



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



«АКА, ЖОНИНГИЗДА ҚУЁШ БОР ЭДИ...»

Зулфияхоним XX аср ўзбек шеърлятида миллат оналарининг орзу-ўйларини, армонларини, дардларини шеърин сатрларга битган АЁЛ тимсоли. Унинг овози барча ўзбек аёлларининг овози ўларок жаранглади. Бу овозда дардли оғриқлар садоси, сабр-бардошли, қаноатли, ифбатли, садоқатли ўзбек аёли юрагининг ноласи мужассам эди.

Ана шундай дардли сатрлар ўзининг акаси билан боғлиқ ҳолда ҳам қоғозларга ҳасрат бўлиб тўкилганди:

...Ака, кўзингизда оташ бор эди,


Ака, жонингизда қуёш бор эди,

Султонликка лойиқ келбат, лаёқат,

Сардорники янглиз бардош бор эди...

Хўш, Зулфияхонимнинг акаси ким эди?

(Давоми 6-саҳифада)



СОЛИҚҚА «ЧАП» БЕРМОҚЧИ БЎЛИБ...



МАНФААТЛИ МАШВАРАТ

(Нутқдан кейинги ўйлар)

(Давоми 2-саҳифада)

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА



МОСЛАШИШ

(Давоми 3-саҳифада)



КУЙЛАСА, ЧОЛҒУСИ БИР

Зални тўлдирган адабиёт ихлосмандлари, айниқса, президиумдаги устозлар ўзбек адибларининг сўзини, шеърларини эътибор билан тингладилар. Ўзбек адабиёти бўлими, шу тариқа, 7 нафар аъзо билан иш бошлади.

(Давоми 5-саҳифада)

МАНФААТЛИ МАШВАРАТ

(Нутқдан кейинги ўйлар)

(Бошланиши 1-саҳифада)

Туркий халқлар орасида кенг тарқалган дostonларда «Маслаҳат битқарур кори дунёни» деган терма бот-бот учрайди. Бу халқимизда машҳур ва манзур бўлган «Маслаҳатли тўн тор келмас», «Маслаҳатли тўй тарқамас» каби мақолларни ёдга солади. Дарҳақиқат, маслаҳатга йўғрилган машварат кўпгина муаммоларнинг ечимига калит бўла олади. Тарих бунга шохид.

Шу ҳақда сўз кетганда, Президентимизнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан Маслаҳат учрашувидаги нутқи диққатни тортмасдан қолмайди.

Нотик, нутқ ва мантиқ сўзлари уйғун, бир ўзакдан ясалган тушунчалардир. Нутқ мақсадни, мантиқ моҳиятни англатаркан, нотик буни ўринли тарзда ифода этиши билан алоҳида ўрин тутади.

Худди шу маънода миллатимиз сардорининг ўша нуфузли анжумандаги нутқи кўп жиҳатдан эътиборга молик бўлди.

Олти йил олдин Остонадаги биринчи маслаҳат учрашуви олтин саҳифаларга муҳрланган бўлса, бу галгиси ҳам ана шундай моҳият касб этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи давлаткорона оҳангда, замон юзага чиқазган муаммолар ва уларнинг ечимлари борасидаги хитобат нутқ бўлди десак, хато бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатларини илгари суриш йўлидаги фаол саъй-ҳаракатларини таъкидлади.

Мезбоннинг ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ва янги босқичда минтақавий кооперация истиқболлари чуқур таҳлил қилинган “Марказий Осиё Ренессанси: барқарор тараккиёт ва фаровонлик сари” дастурий мақоласини ҳам тилга олиб ўтди.

Дарҳақиқат, ўша муддат мобайнида ўтказилган учрашув ва саммитлар дўстлик замирига қурилган қўшничилик солномасининг янги ва муҳим саҳифаси бўлгани рост.

Президент ўз нутқида, залворли, долзарб масалаларга диққатни қаратиб, умумминтақавий ўзига хосликни шакллантириш жараёни бошланганини ишонч билан қайд этди.

Минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш ва узоқ муддатли шериклик кун тартибидан бойитиш учун Маслаҳат учрашуви форматини янада такомиллаштириш масалалари ҳақида сўз юритди.

Жумладан, оқсаётган масалаларни ҳам эътироф этиб, минтақамиз барқарорлигининг муҳим омили ҳисобланган қўшни Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши билан боғлиқ масалалар халқаро кун тартибидан иккинчи даражага тушиб қолганини эътироф эта туриб, бунинг учун яқиндан ҳамкорлик қилиш, қатъий чоралар кўриш ва минтақа манфаатларини биргаликда илгари суришга тайёр бўлиш ойнадек равшан.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида амалий минтақавий ҳамкорликнинг устувор ҳисобланган йўналишларга ҳам тўхталди.

Маълумки, Марказий Осиё халқларининг ўзаро муштарак тарихи, анъаналари, тугаш тақдирлари бор. Бу уларнинг ўтмишида ўзаро яқин, бирдам бўлганини, турли соҳаларда яқдил ўзаро ҳамкор бўлганликларини тасдиқлайди. Худди шу жараёнларини тарихий илдишларини, илмий назарий асосларини ўрганиш муҳимдир. Бундан кўзланган мақсад маданий-тарихий мероснинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда, халқларимизнинг минтақа келажаги учун дахлдорлиги, бирдамлиги, умумий масъулиятни англашини кучайтиришдир. Ўтмиш келажакнинг устозидир деган ҳикматга мувофиқ қилинадиган ҳаракат жуда кўплаб истиқболли ре-

Осиё тарихи ва маданияти: ягона ўтмиш ва умумий келажак” халқаро медиа платформасини тезроқ ишга туширилиши мақсадга мувофиқдир. Президентнинг бу борада билдирган таклифи шундай: Минтақа халқларининг ўзаро бир-би-

тилгани, минтақа давлатларининг иқтидорли талабалари ўқиши учун ўзаро келишувлар асосида стипендиялар ажратиш масаласи, шу йўсиндаги лойиҳаларни батафсил муҳокама қилиш учун Тошкент шаҳрида октябрь ойида Марказий Осиё биринчи таълим форумини ўтказиш режаси Давлатимиз раҳбари нутқида акс этгани аҳамиятлидир.

Бу борадаги илк қадамлардан бири Олмаота шаҳрида «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети филиалининг тантанали равишда очилишидир. Бу ўз-ўзидан ҳар иккала томонлама ўзаро манфаатли фаолиятнинг бошланишидир.

Эндиликда, таълим вазирлари, етакчи университетлари ректорлари, олимлар ва экспертларнинг ҳамкорликдаги фаолияти таълим ва фаннинг ривожига ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Президентимиз фаолиятида учта тушунча доим муҳим. Булар сифат, самара ва натижадир. Шунинг учун ҳам режалар қоғозларда қолиб кетишини хуш кўрмайди, албатта натижадорлиги билан қизиқади ва унга конкрет ёндашади.

«Муносабатларимизнинг – дейилади нутқда, – шартномавий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва уни янада ривожлантириш учун Марказий Осиёда стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида кўп томонлама битимни имзолашга тайёрлашни таклиф қиламиз. Ишончим комил, бугунги учрашувнинг сермахсул натижалари минтақада дўстлик ва яхши қўшничилик янада мустаҳкамланишига, халқларимизнинг фаровонлиги йўлида ўзаро амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.»

Ишонч ва қатъийлик руҳи, стратегик назар билан суғорилган ушбу нутқ Янги Ўзбекистон шуқуҳи ва Учинчи ренессансинг тамал тошига ҳамоҳангдир. Ушбу нутқ Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учун ҳам мотивацион руҳ бахш этди десак, асло муболаға бўлмайди.

Рахимбой ЖУМАНИЕЗОВ,
«Маърифат» тарғиботчилар жамияти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
«Нотиклик санъати академияси» таълим маркази раҳбари,
профессор.



рини тушуниши ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида минтақавий ўзига хосликни шакллантиришнинг амалий жиҳатларига бағишланган илмий форум ўтказиш.

Ўйлаймизки, ушбу ташаббус ва таклиф юқоридаги вазифаларнинг амалга ошиши учун имкониятлар эшигини кенг очади.

Марказий Осиё таълим ва академик алмашув дастурини қабул

Эндиликда, таълим вазирлари, етакчи университетлари ректорлари, олимлар ва экспертларнинг ҳамкорликдаги фаолияти таълим ва фаннинг ривожига ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Президентимиз фаолиятида учта тушунча доим муҳим. Булар сифат, самара ва натижадир. Шунинг учун ҳам режалар қоғозларда қолиб кетишини хуш кўрмайди, албатта натижадорлиги билан қизиқади ва унга конкрет ёндашади.

жаларни амалга оширишга замин ҳозирлайди.

Шунинг учун ҳам нутқда акс этган келгуси ойда кўҳна Хива шаҳрида минтақа мамлакатларининг навбатдаги Парламентлараро форумини ўтказиш, “Марказий

қилиш ва мамлакатларимиздаги етакчи олий ўқув юрларининг дипломларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимни ишлаб чиқишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, илм-фан ва таълим масалаларига эътиборнинг кара-

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА МОСЛАШИШ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Иқлим ўзгариши инсоният олдига турган энг жиддий муаммолардан бири. Бу борада ўз вақтида чоралар қабул қилмаслик ва атмосферада “иссиқхона газлари” миқдорини бундан кейин ҳам кўпайиши олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 июльдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисида”даги Фармон иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва уни ижросини таъминлаш, Париж битими доирасида мамлакатимиз томонидан қабул қилинган мажбуриятларни амалга оширишда муҳим тарихий ҳужжат бўлди.

Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари бўйича энг юқори маслаҳат органи – Иқлим кенгаши ташкил этилди. Бундай нуфузли Кенгашни ташкил этилиши глобал иқлим ўзгариши шароитларида юзага келадиган экологик муаммоларни олдини олиш, оқибатларини юмшатиш борасида амалга ошириладиган ишларга эътибор янада кучаяди.

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни ҳамда ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини шакллантириш, уни самарали амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, Париж битимидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши мониторингини юритиш, бу борада устувор йўналишларни белгилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш ҳамда “яшил” технологиялар, инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш масалалари Иқлим кенгашининг асосий вазифалари сифатида белгилаб берилди.

Шу ўринда, юқорида қайд этилган вазифалар юзасидан мамлакатимизда бир қатор амалий ишлар амалга ошириладиганини эътироф этиш лозим. Жумладан, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалаларида тааллуқли қатор норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга давлатимиз раҳбарининг бу борадаги ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 2023 йил 21 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустақкамлаш” резолюцияси бир овоздан қабул қилди.

“Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”-ги, “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Булар қаторига яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида уч ўқишда қабул қилинган “Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам қўшиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон-2030 стратегиясида белгиланган бир қатор вазифалар мамлакатимизда иқлим ўзгаришларини олдини олиш ҳамда унга мослашишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Биргина 2018 йилнинг декабрь ойидан ҳозирги кунга қадар Оролнинг қуриган тубида қарийб 2 млн гектарга яқин майдонга саксовул, черкес ва бошқа шўрга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимлик уруғлари сепилди ва кўчатлари экилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кенг қўламда амалга ошириладиган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида уч йил давомида 630 миллион дона дарахт ва бута кўчатлари ўтказилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдони 6,321 млн гектарга етказилиб, улар мамлакат ҳудудининг 14,08 фоизини ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, сув ресурслари

нинг тақчиллигини олдини олиш борасида ҳам мамлакатимизда аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биргина 2023 йилда 413 минг гектарда сув тежовчи технологиялар, шу жумладан 77,3 минг гектар томчилаб суғориш, 25,4 минг гектарда ёмғирлатиб суғориш, 13 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинган. 222,8 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонлари лазер ускунаси ёрдамида текисланди.

Юқорида қайд этилган амалий ишларнинг барчаси бевосита ёки билвосита Париж битими доирасидаги мажбуриятларнинг ижросига қаратилгани эътиборга молик.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутувчи “яшил иқтисодиёт”, “яшил” энергетика тамойилларини амалиётга жорий этиш бўйича йирик лойиҳаларга қўл урилмоқда. Бугунги кунда умумий қуввати 24 041 МВт бўлган 43 та лойиҳа доирасида (8 641 МВт қуёш ва 15 400 МВт шамол) электр станцияларини ҳамда жами қуввати 3165 МВт бўлган электр энергиясини сақлаш тизимларини қуриш лойиҳалари бўйича иш олиб бориладиган.

Президентимиз раислигида 17 июль куни ўтказилган ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида “Яшил энергетика” соҳасидаги ишлар ҳам натижа бера бошлади. Ҳозиргача ишга тушган 2,4 гигаваттли 10 та қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобига ярим йилликда 1,6 миллиард килловатт “яшил энергия” олинди. Бу ярим миллиард кубметр газни тежаш имконини берди”, дея таъкидланди.

Шунингдек, сўнгги йилларда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарёда 1,6 гигаваттли 9 та қуёш ва шамол электр станциялари тармоққа уланди. Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 183 мегаваттли 6 та гидро электр станцияси

ишга туширилди. 2030 йилга бориб Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия қувватларини 25 гигаваттга етказиш кўзда тутилмоқда. Бу ўз навбатида, табиий ресурсларни тежаш билан бир қаторда атмосферага иссиқхона газлари чиқишининг олдини олиш имконини беради.

Яқин йилларда қайта тикландиган энергия манбалари улушини умумий энергия балансида 40 фоизга етказилиши мамлакатимиз аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқларининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини таъминлашни янада яхшиланишига имконият яратиш билан бир қаторда минтақада энергетик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони билан Иқлим кенгаши тўғрисидаги низом, Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни ҳамда ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» ҳам тасдиқланган.

«Йўл харитаси»да қайд этилган 10 та устувор йўналиш бўйича 30 банддан иборат иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар томонидан амалга оширилиши белгилаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлашни нафақат мамлакатимизнинг экологик хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, балки минтақанинг иқлим ўзгаришларига мослашиш имконини бериш баробарида, иқтисодиёт тармоқларини ривожланиши, пировардида халқимиз фаровонлигини янада ошишига хизмат қилади.

Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари



Ҳозирги кунда янгилаш, давр талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариш, бугунги ҳаёт талаб қилаётган даражада маҳсулотлар сифатига эътибор қаратиш долзарб вазифалардан биридир. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотга талаб ва эҳтиёж ҳам кундан кунга ортиб бормоқда. Маълумки, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати нафақат республикамиздаги, балки Марказий Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Ана шундай гигант корхонанинг салоҳиятини асраш, унга яқин кўмакдош бўлиш, тоғ рудаларини қазиб чиқаришда ишлайдиган техникалар учун эҳтиёт қисмларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш зарурлиги давр талабига айланди.



Комбинатга ёндош, кўмакдош

Ҳеч шубҳасиз ушбу масала муҳтарам Президентимизнинг Олмалиққа ташрифи давомида ўртага ташланди ва ўзларининг алоҳида ташаббуслари билан ана шундай заводни комбинат худудида, тасарруфида барпо этиш муҳимлиги ҳақидаги таклифни киритдилар. Зудлик билан тайёргарлик ишлари авж олдирилди. Албатта, заводни ишга тушириш учун энг аввало мутахассис кадрлар, билимдон ёшлар жуда зарур эди. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда комбинатнинг ўқув марказига иқтидорли ёшлар, ишчи мутахассислар жалб этилди.

Бевосита комбинат бош директори Абдулла Холмуродовичнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан комбинат ўқув марказида ёшларни ўқитиш ишлари бошлаб юборилди. Мутахассис кадрлар ушбу марказда бир йил давомида бепул ўқитилди. Шу ўринда

таъкидлаш лозимки, вилоят ҳокими Зоир Тоировичнинг маслаҳати ва ёрдами билан Россияда иш тополмай юрган ёшлар, мутахассислар ҳам заводга ишга таклиф қилинди. Ушбу бўйича бевосита вилоят ҳокимининг ёшларга муружаати ҳам қабул қилинди.

Ташкилий ишлар бир маромда олиб борилди. ОКМК ёнгинасидан ажратилган майдонда заводни ишга тушириш ишлари жадаллаштирилди. Республика “Саноат қурилиш банк”и ва “Пойтахт” банкдан 7 миллион доллар миқдоридан кредит олинди. Олинган кредитлар эвазига заводимизнинг жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Зарур механизм ва аппаратлар, техникалар харид қилинди. Шу тариқа 2021 йилнинг март ойида комбинат ёнгинасида Олмалиқ қуёв механика (АҚМЗ) заводига асос солинди. Завод ишга туширилиши билан 230 та янги иш ўрни яратилди. Йиллик маҳсу-

лот ишлаб чиқариш ҳажми 12 минг тоннани ташкил этди. Натижада 40 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эришилди. Айнан ушбу маҳсулотлар тоғ рудаларини қазиб чиқаришда ишлайдиган техникалар учун зарур эҳтиёт қисмларидир. Ушбу маҳсулотлар эвазига эндиликда четда эмас, шу ернинг ўзида, комбинат ёнгинасида тайёрлаб бериладиган бўлди. Қандай қулайлик! Қандай яхши имконият!

Таъкидлаш лозимки, биз тайёрлаётган маҳсулотларимизнинг имкон қадар сифатли ва экспортбоп бўлишига ҳаракат қиляпмиз. Мақсадимиз эса Юртбошимиз ташриф буюрган “Ёшлик-1” конининг ва умуман ОКМК конларининг янада тараққий этиши ва кенгайишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишдир. Биз эса бошлаган ишларимизни жадал давом эттиришга астойдил бел боғлаганмиз. Зеро, жамо-

амизда соғлом муҳит ҳукмрон. Мақсуд Эшбоевга ўхшаш фидойи, ташаббускор мутахассислар, муҳандис кадрлар, маҳоратли ёшларимиз бор экан, биз асло ортга чекинмаймиз, ишларимизни мукамал давом эттираверамиз. Ҳозирданок, маҳсулотларимизга хорижликлар ҳам талабгор бўлиб турибди. Айни дамда Қозоғистон ва Беларуссия давлатларига маҳсулотларимизни экспорт қилиш шартномалари тузиб қўйилган.

Режаларимиз янада улкан. Ишларимизни жадал давом эттириб йил охиригача қўшимча яна 50 та иш ўрни яратмоқчимиз. Келгусида эса катта насослар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Буларнинг барчаси ОКМК конларининг бир маромда ишлашига, тоғ рудаларини қазиб олаётган техникаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлашга хизмат қилади. Заводимизда ишчи-хизматчиларимиз учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Шинам ошхона, ювиниш ва дам олиш хоналари улар ихтиёрига бериб қўйилган. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 7-8 миллион сўмни ташкил қилмоқда.

Президентимизнинг 20 август куни тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказётганлиги кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Тадбиркорларга кўрсатилаётган бундай эътибор мамлакатимиз тараққиёти ва равнақиға, юрт ободлиги ва фаровонлиғига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ҳусейн ШИРИНОВ,
Олмалиқ қуёв механика (АҚМЗ)
заводи раҳбари

«Қорасув» ташаббуси қулоч ёймоқда

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Қорасув” маҳалласида жойлашган “Қорасув мебел савдо”нинг “Жаннатмакон” оилавий корхонаси ҳақида гап кетганда, моҳир тадбиркор Раҳмон Отақуловнинг саъй-ҳаракатларини, ўзига хос ташаббусини мамнуният билан тилга олишди.



Чунки бу инсон салкам ўн йиллик меҳнат фаолияти давомида ҳақиқий тадбиркор қандай меҳнат қилаолиши мумкинлигини амалда исботлаб берди. Қисқа, аммо самарали вақт ичида ўзига хос мебелсозлик мактабини яратди, десам муболага бўлмас.

Раҳмон Отақуловнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари натижасида 2015 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур оилавий корхона бугунги кунда 1,8 гектар майдонда жойлашган мебеллар ишлаб чиқариш фабрикасига, 3 та йирик савдо уйига, 2 та улгуржи савдони амалга ошириш учун мўлжалланган савдо ва сақлаш базасига эга. Ана шундай ўзига хос мебел ишлаб чиқариш мажмуасининг барпо этилиши натижасида ҳозирга келиб 107 нафар фуқароларнинг доимий иш билан таъминланганлиги диққатга сазовор. Шуниси эътиборлики, Раҳмон ака корхона раҳбари сифа-

тида изланишдан, ташаббуслар яратишдан асло тўхтамайди. Доимо олдинга қараб интилишни ўзига мақсад қилиб қўйган. Ҳозирги кунда корхонада 150 дан ортик турдаги мебел маҳсулотларининг ишлаб чиқарилаётганлиги ҳам ана шундан далолатдир.

Яна бир жиҳати шундаки, ижтимоий химоя йўналишида маҳалладаги хонадонларга кириб, аҳолининг турмуш даражасини ўрганиб, уларнинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда доимий иш билан таъминлаш чораларини кўраётганлиги ҳам кўпчиликни мамнун этмоқда. Албатта, амалга оширилган ишлар, тинимсиз изланишлар ўз самарасини бермоқда. 2023 йилда Қорасув марказида “ZARHAL” савдо уйи қуриб битказилиб, бунда харидорлар қулайлиги учун энг замонавий лифт ва электр энергияси таъминоти куёш панеллари орқали таъминланган ҳолда фойдаланишга топширилган.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, Қорасув ташаббуси барча жабҳада кенг тус олмақда, қулоч ёймоқда. Раҳмон аканинг тинимсиз янги лойиҳалар устида иш олиб бораётганлиги эса мамлакатимиз мебел саноатининг тараққиётига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда. Яқинда яна бир ажойиб ташаббусга қўл урилди. Тумандаги “Туркистон” МФЙ худудида замонавий лойиҳа асосида

барпо этилган “Микро марказ” ишга туширилиш арафасида. Ушбу инвестиция қиймати 35 миллиард сўм бўлиб, шундан 25 миллиард сўми ички имконият, яъни ўз маблағлари ҳисобидан, 10 миллиард сўми эса банк кредит маблағлари ҳисобидандир.

“Туркистон” маҳалласида қарийб 2 гектар майдонда бунёдга келган микро марказда барча шарт-шароитлар, қулайликлар муҳайё қилинади. Микро марказда фуқароларни касб-хунарга тайёрлаш, мебелсозликнинг турли йўналишлари бўйича ўқитиш ва амалиёт ўтказиш, рус ва инглиз тилларига ўргатиш йўлга қўйилади. Булардан ташқари тадбиркорлар хусусий тайёр ишлаб чиқариш цехлари хоналарига эга бўладилар.

Эътиборли жиҳати шундаки, алоҳида 630 квт кучланишга эга бўлган трансформатор ўрнатилади, табиий газ ва инфратузилмаларга эга бўлган ишлаб чиқаришга мўлжалланган хоналар тадбиркорлар томонидан сотиб олинади. Бунда тадбиркорлар аукцион орқали ер сотиб олиш, лойиҳалаш, қуриш, газ ва электр тармоқларига ула-

ниш каби овозгарчиликлардан халос бўлиб, тайёр цехларга эга бўладилар. Цех учун мўлжалланган хоналар “Бир кунда қалит, бир кунда кадастр ҳужжати” тамойили асосида тақдим этилади.

— Насиб қилса, ушбу инвестицион лойиҳа асосидаги “Микро марказ”ни Мустақиллик байрами арафасида ишга туширмоқчимиз, — дейди биз билан суҳбатда тадбиркор Раҳмон Отақулов. — Бунинг натижасида 400 та янги иш ўрни яратилади. Шунини мамнуният билан таъкидламоқчиманки, мен 20 августдан 20 августгача бўлган даврни ўзига хос ҳисобот даври деб биламан. Президентимиз таъкидлаганидек, ёши улуг инсонларнинг тажрибаси, билимига ёшларимизнинг ғайрату шижоатини қўшсак, ажойиб натижаларга эришамиз. Шундай бўляпти ҳам. Фурсатдан фойдаланиб барча тадбиркорларимизни касб байрамлари билан самимий табриклайман. Яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланайлик, азиз тадбиркорлар!

Ашуралӣ БОЙМУРОД,
“Жамият” маҳсус мухбири.



Жамоат арбоби Бобожон Ғафуров ва забардаст шоир Мирзо Турсунзоданинг ташаббуси билан 1938 йил апрелида Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси хузурида ўзбек адабиёти бўлими ташкил этилган эди. Душанбедаги адиблар ташкилоти у пайтлар собиқ Оржоникидзе кўчасининг энг кўркем биноларидан бўлган Матбуот уйининг биринчи қаватида жойлашган бўлиб, иншоотнинг юқори қаватида қалам аҳлининг оилавий яшаши учун ҳам шароитлар мавжуд бўлган.

Ўша куни юзга яқин киши сизгидан мажлислар зали одамга тўла эди. Москвадан келган Абулқосим Лоҳутий ва Самарқанддан ташриф буюрган Садриддин Айнидан ташқари Бобожон Ғафуров ва Уюшма раҳбарлари президиумга чиқадилар. Уюшманинг у пайтдаги ёш раиси Мирзо Турсунзода ўзбек адабиёти намояндаси Аширматга: – Марҳамат, бизнинг ёнимизга келинг! – дейди илтифот билан.

Тошкентда таҳсил олган М.Турсунзода ўзбек тилини ҳам яши

давом этди. Икки адабиёт намояндаси – икки ҳамкор ва дўст: Айний ва Қодирий, Ғафур Ғулом ва Турсунзода, Абдулла Қаҳҳор ва Жалол Икромий, Сотим Улуғзода ва Саид Аҳмад, Лойиқ Шерали ва Абдулла

лишда фаоллик курсатмоқда. Ўзбек адабиёти намояндаси тожик адабиётини муносиб тарғиб этгани учун 2022 йилда Рудакий номидаги Тожикистон давлат мукофотига сазовор бўлди.

Душанбе шаҳрида чиққан “Замонавий тожик шеърини антологияси”да ўзбек тилига ўгирилган 66 та тожикзабон шоирнинг шеъри ўрин олган. Хўжанддаги Ўзбек маданияти маркази Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд ва Жиззах бўлимлари билан ҳам яқин алоқада. “Меҳнома” альманахининг чоп этилиши, айни дамда, шу ҳамкорлик мевасидир. Икки тилда чиққан “Меҳнома”да тожикистонлик 18 нафар ўзбекзабон, шунингдек, ўзбекистонлик 18 нафар тожикзабон шоирларнинг шеърлари ўрин олган.

Бир вақтлар академик Бобожон Ғафуров бошқарган, Ҳожи Содик, Ҳамид Ғадоев, Қосим Мамажонов, Восит Мухамедов, Сайид Неъматуллоҳ Иброҳим сингари машҳур журналист ва ёзувчилар фаолият олиб борган “Халқ овози” газетаси хузурида бугунги кунда мўъжазгина “осорхона” мавжуд. Бу ерда Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тошпўлат Ҳамиднинг суратларига кўзимиз тушади.

Бугунги кунда ўзбек-тожик адабий алоқаларининг йўлга қўйилиши ҳар иккала томон адабий жараёнларига ижобий таъсирини кўрсатяпти. Адабиётларимиз намояндларининг асарларини тарғиб этишда, хусусан, ёшларни уларнинг бебаҳо мероси ва ҳаёт йўллари билан таништириб боришда икки мамлакат адабий ташкилотлари бош-кош бўлмоқда. Жумладан, Тошкент ва Душанбеда халқ шоирлари Мирзо Турсунзода ва Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар юқори савияда бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид бошчилигида адибларимиз Тожикистонда бўлишди. Тожик адиблари билан бирга Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи раиси Низом Қосим Тошкентда бўлиб ўтган бир қанча тадбирларда иштирок этди.

— Улкан тантаналар давлатларимиз раҳбарларининг узокни кўзлаган сиёсатлари, кўп асрлик қардошлик алоқалари ва дўстлигимизнинг олтин риштаси қайта боғланганлигининг натижаси эканини таъкидлаб ўтишни хоҳлардим, – дейди Абу Абдулло Рудакий номидаги Тожикистон давлат мукофоти соҳиби Низом Қосим. — Биз сўз воситасида қардошлигимизнинг ажралмас, мунтазам, абадий бўлиб қолишига хизмат қилишимиз лозим.

Мухаммад ШОДИЙ.



КҲЙЛАСА, ЧОЛҒУСИ БИР

билар, ҳали ёш бўлишига қарамай Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия каби ўзбек адиблари билан яқиндан дўст ва биродар бўлишга улгурган эди.

Ўша йиғилишда тақдир амри ила бир муддат Сталинобод (ҳозирги Душанбе) шаҳрида яшаган, собиқ “Совет Тожикистони” (бугунги “Халқ овози”) газетасида фаолият юритган ўзбек адиби Ҳамид Ғулом ҳам иштирок этган эди. Унинг ёзишича, Мирзо Турсунзода Тожикистонда ўзбек тилида кундалик газета нашр этилаётгани, радиода ўзбек тилида кундалик эшиттиришлар бериб турилгани, Давлат нашриётида ўзбек тилида китоблар чоп этиш йўлга қўйилиши, пойтахтда ва бир қанча шаҳарларда, хусусан, Хўжанд, Ўратепа, Конибодом ва Новда ёш ўзбек қаламкашлари анчагина топилишини қайд этади. Кейин сўз навбати Аширматга берилади. Аширмат ўз ахборотида ўзбек шоир ва ёзувчиларининг ҳар бири ҳақида қисқача маълумот беради.

Зални тўлдирган адабиёт ихлосмандлари, айниқса, президиумдаги устозлар ўзбек адибларининг сўзини, шеърларини эътибор билан тингладилар. Ўзбек адабиёти бўлими, шу тариқа, 7 нафар аъзо билан иш бошлади.

Ўзбек адабиёти равнаки йўлида, айниқса, Турсунзода алоҳида ғамхўрлик қилар, унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Душанбе баробарида Тошкент ва Москва нашриётлари томонидан ҳам тожикистонлик ўзбекзабон адибларнинг китоблари босилар эди.

Кейинчалик самарқандлик Ўлмас Жамол, фарғоналик Маҳмуд

Тўлқин ва Солиҳ Қаҳҳор каби тақдир тақозоси билан Тожикистонда қатор йиллар яшаб ижод қилган адибларимизга Душанбедаги ўзбек адабиёти шўъбаси бағрини очган. Ўлмас Жамол Алишер Навоийдан кейин ўзбек шоирлари орасида тўрт девон тузишга муваффақ бўлган ягона шоирдир. У ўз шеърларидан бирида ўзбек ва тожик халқларини ҳеч қачон ажратиб бўлмаслигини, бунинг учун бир юракни икки тилиб ташлаш зарурлигини ифода этган. Ўлмас Жамолнинг айниқса икки халқ дўстлигини васф этувчи “Ўзбекистон ўғлидирман, тожиким гуфто писар...” мисраси билан бошланган бир ғазали жуда машҳур.

Жомийнинг бир муддат Самарқандда яшаганини биламиз. “Бир оёғи” эмас, “икки оёғи” мадрасаларда эди: сабоқ олди, сабоқ берди. Навоийда ҳам шу ҳолат бўлган. Бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд, бир-бирига пир ва мурид эди ўзбек билан тожик. Кўриб турганимиздек, бир сарчашмадан сув ичган адабиётлар дўстлигининг ҳам қадимийлиги кундай равшан.

Тожикистон халқ шоири Низом Қосимнинг фикрича, “Шоҳнома” қахрамони Афросиёбнинг образини яратишда буюк Фирдавсий туркий сарчашмалардан ҳам фойдаланган. Фирдавсий издошларидан бири туркийзабон Юсуф Болосоғуний эса ўз “Шоҳнома”сини яратишда улуғ форс шоири достонидаги услуб, ифода ва ҳатто вазнга риоя этган. Ҳамнафаслик икки нафис адабиётнинг маълум даражада ҳамоханлигига сабаб бўлган.

Аждодлар анъанаси янги даврда

Орипов, Саттор Турсун ва Эркин Аъзамов...

Маълум муддат халқларимизнинг мураккаб вазиятни ҳам бошдан кечиргани барчамизга маълум. Ягона тарихий даврни босиб ўтиб, бир ҳаводан нафас олган икки халқнинг дўст-биродарлигига “кўз тегди”. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти бўлиб сайлангач, минтақа осмонидаги қора булут тарқалди, чегаралар очилди, “музлар эриди”, ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги яқин дўстлик ва ишончга асосланган алоқалар янги босқичга кўтарилди. Бу, аввало, Тожикистондаги миллионлаб ўзбекнинг, Ўзбекистондаги миллиондан ортиқ тожикнинг катта байрами бўлди.

Тарихий яшаш муҳити, ўхшаш ва ҳатто умумий анъаналар билан бир қаторда муштарак маънавий мерос, ота-боболаримиз томонидан икки тилда яратилган шох асарлар ҳам халқларимизни бирлаштиргани билинапти. Янги давр шарофати билан адабиёт намояндалари орасидаги узилган ришта қайта тикланди. “Шарқ юлдузи” журнали тожик ижодкорларининг ижодий ишларидан намуналар берган бўлса, “Жаҳон адабиёти” мажалласининг бир сони тожик адабиётига бағишланди.


Сугд вилоятининг Исфара шаҳрида туғилиб ўсган, академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университетида таҳсил олган шоир ва мутаржим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Одил Икром бугунги кунда Тошкентда яшайди. У хусусан тожик шеърини таржима қи-

(Боши 1-саҳифада)



билан кўрсатгани асло ёдимдан чиқмайди. У менга жуда ишонар, менинг илк кичкина ютуқларимдан ҳам қувонар ва бу ҳол менга куч бағишлаб, менда тўғри йўлни танлаганимга ишонч уйғотарди”, дея фахрланиб айтган экан.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган



“Ака, жонингизда қуёш бор эди...”

Қадимий Тошкентнинг Дегрез, Ўқчи маҳалларида яшаган Исроил дегрез ва турмуш ўртоғи Хадича аянинг Исмоил, Қодир, Нормат, Аҳмад исмли ўғиллари ва иккита кизи бўлган. Академик Наим Каримовнинг “Зулфия” номли монографиясида ёзилишича, “Исмоил Исроилов 1920 йилларда тузилган ёшлар ташкилотиде фаолият кўрсатган, кейинроқ эса Москвада таълим олган. Ўзбекистонга қайтгач, масъул вазифаларда хизмат қилган. Шоиранинг иккинчи акаси Қодир Исмоилов Каттақўрғон шаҳридаги ёшлар ташкилотининг раҳбари бўлган. Нафақага чиққунига қадар Тошкентдаги заводларнинг бирида қуувчилик цехида хизмат қилган. Учинчи аканинг исми шарифи Нормат Исроилов. У Хоразм вилоятида раҳбарлик вазифасида ишлаган. Тўртинчи акаси Аҳмад Исроилов. У ҳам Норматнинг изидан кетиб Москвада ўқиган ва партия идораларида хизмат қилган”.

1934-37-йилларда Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи секретари вазифасида ишлаган Нормат Исроилов 1904 йилда Тошкентда туғилган. Москвадаги шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетини тугатган, ўз даврининг жўшқин ёшларидан саналган Нормат Исроилов меҳнат фаолияти давомида турли раҳбарлик вазифаларида ишлаган.

1931 йилда эса Жалолқудук район партия комитетининг биринчи секретарлигидан Ўзкомпартия марказқўми тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирлиги бўлиб ишга ўтди. Нормат Исроилов Акмал Икромов билан ёшлиқдан таниш бўлиб, улар бир маҳаллада истикомат қилишган.

Тўрт ака-укалар ичида Нормат Исроилов табиатан ижод ва илмга ҳавасманд киши бўлган. Зулфия акалари ҳақидаги суҳбатида: “мен ҳаётимда рўй берган кўп воқеалар учун акаларим олдида қарздорман. Улар менинг катта ёшдаги ўртоқларим, дилкаш дўстларим бўлиб, дилимдаги энг эзгу ўйларни уларга айтдим. Нормат акамнинг дастлабки шеърларимни бошқаларга қандай қувонч

маданият ходими, шоира Мухтарама Улуғованинг Зулфия опа билан бўлган суҳбатларидан келиб чиқиб хотирлашича, Зулфия Исроилова ва Ҳамид Олимжондек ўз даврининг ёрқин ижодкорлари учрашиб, оила қуриш таралдуида юрганларида, шоиранинг онаси Хадича ая Норматдан бўлажак қуёвни таниш-танимаслигини суриштирган экан. Шунда акаси “мен у йигитни биламан, яхши йигит”, дея таъриф берган ва кейинчалик оёисига “Ойи, мен у йигитнинг ўзи билан гаплашдим. Тўй қилиб бераверинг. Синглимга қуёвликка ғоят мос шоир, олим йигит” деган экан.

Афсуски, давр даъвати боис ҳамиша ишга талпинган Нормат Исроилов гарчи ўша кунлари Тошкентга йиғилишга келган бўлсада, 1935-йил 23 июлга белгиланган тўйда қатнашмай, “меним Хоразмда қиладиган ишларим кўп”, деб Тошкентдаги уйлариининг айвони четига ўша пайтда урф бўлган патефонни қўйибдиларда “Бу мендан совға”, деб воҳага жўнаб кетган экан.

Ҳамиша ғайрату шижоат ила фаолият кўрсатадиган Нормат Исроилов орадан вақт ўтиб шоира синглисининг тўнғич фарзанди туғилганида ҳам Хоразмда бўлсада, оёиси Хадича аяни, Зулфияни телеграмма ёзиб қутлаган, Тошкентга йиғилишга келганидаям бир зум Ҳулқарни кўриб севинганича унга совғалар берган экан.

Маълумки, Нормат Исроиловнинг синглиси Зулфияхоним ўз даврининг машҳур шоираси бўлишдан ташқари, қуёви Ҳамид Олимжон ҳам таниқли ижодкорлардан бўлган. Шу боис Хоразм раҳбари сифатида Нормат Исроилов воҳага келган ижодкорларни ўзининг яқин биродарларидай қутиб олади.

Ана шундай ташриф ва адабиёт байрамларидан бири 1935 йилнинг апрель ойида ўша даврнинг энг машҳур шоирларидан Усмон Носир ва Абдулҳамид Мажидий, Ҳасан Пўлатлар билан биргаликда Тошкентдан келган театр актёрларидан Тамарахоним, Зухур Қобулов,

Охунжон қизиқ ва Пўлатжон Раҳимовлардан иборат санъат аҳли ҳам бор эди. Адабиёт ва санъат байрами ўтказиладиган Хоразм аҳли эса Нормат Исроилов ва Назиркул Ҳасановлар бошчилигида уларни севинч билан қутиб олди. Чунки, санъаткорлар ичида Тамарахоним, ижод-

корлар орасида эса Усмон Носир ўз даврининг энг машҳур инсонларидан эди. Бу пайтда эндигина 31 ёшга тўлган Усмон Носир ўзининг муҳаббат мавзусидаги лирик шеърлари билан халқ, айниқса ёшлар орасида кенг шухрат қозонган.

Тарихдан маълумки, 1937 йилда Москвада ўзбек санъати ва адабиёти кунлари декадаси ўтказилиши муносабати билан унга тайёргарлик эртдан бошланиб кетади. Шу боисдан 1936 йилнинг 26 июлидан 10 августигача бўлган муддатда Урганч шаҳри ва округнинг барча районларида декада иштирокчиларини танлаб олиш мақсадида танлов фестиваллари ўтказилади. Тайёргарлик асносида вилоятда маданиятни, театр ва адабиёт, санъатни ривожлантириш мақсадида Урганч шаҳридаги Дошқинжон бобо мақбараси ёнида округ театрининг биноси қурилиши бошланади. Воҳада театр санъатини ривожлантириш мақсадида Зухур Қобулов, Тамарахоним, Пўлатжон Раҳимов, Исоқжон Қодиров, Ҳалима Носирова, Карим Зокиров ва бошқаларнинг Хоразмга ташрифлари ҳам тез-тез уюштирилиб турилади. Натижада 1937 йилнинг баҳорида Москвада ўтказилган декадада Хоразмдан Мадраҳим Шерозий, Раҳим Оллаберганов (Раҳим масҳарабоз), Матёқуб Отажонов, Худак ота (буломончи Худойберган ота) каби санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этиб қайтишади. Табиийки, лар эришган муваффақиятларда округ раҳбарлари сифатида Нормат Исроилов ва Назиркул Ҳасановларнинг ўрни катта эди.

Нормат Исроилов Хоразм округида ишларни шу тариқа муваффақиятли олиб бораётган 1937 йилда қатагон сиёсати бошланиб кетди.

У киши Ўзкомпартиянинг 1937 йилдаги пленумидан кейин таътилга чиқиб дам олиш учун Тошкентдан Қримга юборилган ва ўша ерда ҳибсга олинган. Қримдан эса Тошкентга келтирилиб тергов ишлари бошлаб юборилган. Унинг яқинлари ҳибсга олинганидан хабарсиз Қримда дам олаётган деб ўйлашган. Фақат кейинроқ қамалганини эши-

тиб суриштиришган. Шундай кезларда Исроиловлар оиласи мактуб олади. “Мен шу ерданман, аҳволим бир нави. Ўзларинг яхшимисизлар. Синглимининг оиласи омонми? Менга иссиқ кийим киритиб юборинглар” дейилганди хатда.

Шундан сўнг Зулфия акасининг илтимосига кўра бозорга тушиб, тоза кийимларни харид қиладида, уни бежирим жойлаб, онаси орқали қамоқхонага йўллайди. Акасидан олган жавоб унинг дилини хуфтон қилади. “Ҳали ҳам мени дам олишда деб ўйлайсизларми, бу ерда аҳвол оғир. Мен сизлардан этик ва иссиқ кийим бош сўраган эдим”.

Шундан сўнг ҳам бир неча вақт Нормат Исроилов билан алоқа қилиб турилди. Аммо бир йил ўтгач, олиб борган нарсани қабул қилишмай она қўлига аллақандай қоғоз тутқазишди. Яъни, ИИХК ўзларининг қилмишларини никоблаш мақсадида, Нормат Исроилов хат ёзиш ҳуқуқи ман этилган ҳолда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва ИИХКнинг узоқ лагерларидан бирига жўнатилган эмиш... Аслида эса 1938 йил 8 октябрдаги олий ҳарбий суд ҳайъати қарорига кўра отишга ҳукм қилинганди...

“Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1937 йил 5 октябрь сониде “Исроилов раҳбарлигидаги буржуа миллатчилари” сарлавҳали мақола чоп этилади.

Зулфия ая орадан вақт ўтиб қатагон қурбони бўлган акасини хотирлаб шундай маънос сатрлар битганди.

...Ака, жоним акам-
жондошим акам,
Олтмиш йил изимга
қайтиб йиғлайин,
Бўғзимда тош бўлган
йўқловларимни
“Оҳ”ларим эритар-
айтиб йиғлайин.


Ушбу “Хотира синиклари”да Она образи ҳам бўлиб, унда Хадича аянинг ўғли Нормат Исроилов тақдирдан қуёниб дарду ҳасрат тўққани ҳам битилган.

...Онам қўллариде муштдай
туғунчак,
Тош шаҳарни кезар авахта излаб,
Авахта нечадир, зор она неча,
Нечалар яшарди
замонни “сиз”лаб.
Кекса кўзларида мўлдир ва мўлдир
Қотган кўзёшларга
боқардим ҳайрон...

Академик Наим Каримов ёзганларидек, “бу сатрларда мустабид шўро давлатининг ўз халқи бошига туширган бало-қазолари бир оила мисолида шундай ҳаққоний ва таъсирчан очилганки, гўё шоира даврнинг ана шу мудҳиш манзарасини сўз билан эмас, балки кинокамера ёрдамида кўрсатаётгандек бўлади.

1957 йилнинг 28 февралиде собиқ иттифок олий суди ҳарбий ҳайъати ўзининг 1938 йил 8 октябрда чиқарган ҳукмини бекор қилиб, Нормат Исроиловни ўлимидан сўнг оқлайди.

Сайёра САМАНДАР,
Умид БЕКМУҲАММАД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзолари.



(Бошланиши 1-саҳифада)

Орамизда солиқларнинг аҳамиятини тушунмайдиганлар, қасдан тўламаслик учун турли баҳона, нотўғри маълумот ҳамда ваз келтирувчи тадбиркорлар учраб туради. Яқинда судда шунга ўхшаш иш кўриб чиқилди.

Судга Мараджабов М. ариза билан мурожаат қилиб, унда 19.02.2024 йилдаги суд қарори билан даъвогар Ангрен шаҳар солиқ инспекциясига 41 434 432 сўм солиқ қарзи ундирилганини, даъвогар нотўғри маълумотлар билан унга тегишли бўлмаган кўчмас мулкка солиқ ҳисобланганлигини баён қилган. Яъни, ундан асосиз равишда солиқлар ундирилган. Бу ҳолатдан МИБ Ангрен шаҳар бўлими давлат ижрочиси солиқ қарзини тўлаш ҳақида огоҳлантирганидан сўнг хабар топганини, солиқ идорасига мурожаат қилганида мулк объекти бўйича солиқ тўловлари нотўғри ҳисоблангани ва мол-мулк ҳамда ер солиқлари бўйича қарзи мавжуд эмаслиги аниқланганини, амалдаги қонунчиликка асосан янги очилган ҳолат суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишга асос бўлишини баён қилиб, суддан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилишни сўраган.

Суд ариза ва иш ҳужжатларини ўрганиб, уларни муҳокама қилган ҳолда қуйидаги хулосага келди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2024 йил 19 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризаси қаноатлантирилиб, жавобгар Мараджапов М. ҳисобидан даъвогар Ангрен шаҳар солиқ инспекцияси фойдасига 41 434 432 сўм ер ва мулк солиқлари, 34 000 сўм суд харажати ва давлат фойдасига 1 657 377 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

Даъвогар Ангрен шаҳар солиқ инспекцияси томонидан 05.04.2024 йилдаги хат билан жавобгар Мараджапов М.га тегишли Ангрен шаҳар, Амир Темура кўчаси, 69-уй манзилдаги кўчмас мулкнинг кадастр уникал рақамига киритилган ўзгартиришлар сабабли солиқ қарзи тўлик бартараф этилганини кўрсатган.

Аризачи М.Мараджабов эса ариза билан мурожаат қилиб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилишни сўраган.

2024 йил 6 майда суд аризачи М.Мараджабовнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризасини муҳокама қилди. Даъвогар томонидан ер ва мулк солиқлари бўйича вужудга келган қарздорликни ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича фуқаролик иши тақ-

дим этилган ҳужжатлар асосида мазмунан кўрилган. Жавобгар суд мажлисида иштирок этмагани сабабли кўчмас мулк унга тегишли эмаслиги ва кадастр хизмати ходимлари хатоликка йўл қўйиб, нотураар жой сифатида кўрсатилгани сабабли солиқ қарзини ошиқча ҳисобланганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш имкониятига эга бўлмаган. Қонуний кучга кирган суд қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришнинг асослари қонунда қатъий белгиланган бўлиб, аризачи томонидан келтирилган важлар, хусусан солиқ қарзидаги хатоликлар ва даъвогарнинг 05.04.2024 йилдаги хатига асосан кўчмас мулкни уникал рақамига киритилган ўзгартиришни аниқлаш лозимлигини, бу ҳолатларни текшириш зарурлигини инобатга олиб, бундай ҳолатда аризачининг арз қилинган талаблари асосли ҳисобланишини инобатга олиб, аризани қаноатлантиришни ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилишни лозим топди.

Ишни кўриш жараёнида даъвогарнинг ишончли вакили даъво талаблари миқдорини ошириш ҳақида 10.06.2024 йил аризани тақдим қилиб, жавобгар Мараджабов М.дан ер солиғи учун 41 434 432 сўм қарз ва солиқ қарзига ҳисобланган 4 216 000 сўм пеняни ундиришни, ишни оширилган даъво талаблари доирасида муҳокама қилишни сўради.

Суд даъвогарнинг даъво талаблари миқдорини оширишига ҳуқуқий баҳо бериб, мазкур ҳолат даъвогарнинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 44-моддасида назарда тутилган махсус процессуал ҳуқуқи эканлигини инобатга олиб, ишни даъвогарнинг оширилган даъво талаблари доирасида мазмунан муҳокама қилишни лозим топди.

Суд тарафнинг баёнотини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, уларни муҳокама қилган ҳолда қуйидаги хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига асосан фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва мажбурий йиғимларни тўлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасига асосан солиқ тўловчилар белгиланган солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ҳамда тўлик

ҳажмда ҳисоблаб чиқариши ва тўлаши шарт.

Аниқланишича, жавобгар Мараджабов М.га Ангрен шаҳар, Амир Темура кўчаси, 69-уй манзилида жойлашган, ер майдони 4.800 кв.м.дан иборат, нотураар жой тегишли бўлиб, мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтган.

Даъвогар Ангрен шаҳар солиқ инспекцияси томонидан мазкур солиқ объекти бўйича 2021 йил 15 октябрдан 2023 йил 15 октябрга қадар давр учун жами 41 434 432 сўм ер солиғи ҳисобланган (автомобиллар тўхтаб туриш шаҳобчаси).

Жавобгар М.Мараджаповга ер солиғини тўлаш ҳақида 11.03.2023 йилда хабарнома юборилган бўлиб, солиқ қарзи ихтиёрий равишда қопланмаганлиги сабабли, даъвогар судга мурожаат қилган.

Суд даъвогар Ангрен шаҳар солиқ инспекциясининг ер солиғини ундириш ҳақидаги даъво талабини муҳокама қилди. Хар бир фуқаро қонунга асосан солиқ тўловини ўз вақтида амалга оширишга мажбур. Солиқ қарзини тўлаш ҳақидаги хабарнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган. Жавобгар суд жараёнида иштирок этиб, солиқ қарзи тўланганини тасдиқловчи далилларни тақдим қилмаган. Суд жавобгар томонидан нотураар жой иншооти (ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга) унга мулк ҳуқуқида тегишли эмаслигини тасдиқловчи мақбул далиллар келтирилмаганлигини, аксинча ваколатли органининг маълумоти билан нотураар жой унга тегишли эканлиги ўз тасдиғини топганлигини, жавобгарда мулкдор сифатида ердан фойдаланганлик учун солиқларни тўлаш мажбурияти мавжудлигини, бундай ҳолатда даъвогарнинг солиқ қарзи ва унга ҳисобланган пеняни ундириш талаблари асосли ҳисобланишини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни ва жавобгардан даъвогар фойдасига жами 41 434 432 сўм ер солиғи ва 4 216 000 сўм пеня ундиришни лозим топди.

Суднинг қарори билан даъвогар Ангрен шаҳар солиқ инспекциясининг жавобгар Мараджабов М.га нисбатан солиқ қарзи ундириш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилди.

Шундай қилиб, солиққа “чап” бермоқчи бўлган фуқаро мажбурий тўловни тўлайдиган бўлди.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилояти Оҳангарон
туманлараро судининг судьяси.

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати –
Ўзбекистон
Либерал-
демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари
миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-810
Адади: 1015.
Пайшанба кунни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Маълумот учун
телефонлар:
99-791-43-23
99-994-70-52
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

Мушфиқларнинг дуоси мустажоб

Инсоннинг ўзи ҳам, сўзи-ю, ташқи ва ҳам ички кўринишлари ҳам гўзал бўлиши керак. Шунингдек, ботини-ю, зоҳири гўзал бўлмоғи лозим. Кўпчиликнинг олдида ўзини туттиши, муомаласи, қўйинги, ҳар бир ҳаракати гўзал бўлиши керак. Шундагина у Ўзи гўзал бўлган, гўзалликни севган Аллоҳга қўрбат ҳосил қилган, чин бандачилик салоҳиятини намоён этган бўлади.

Халқимизда “мактаб кўрмаса ҳам, мадраса кўрган” каби ўринли ибора қўлланилади. Дарҳақиқат, кўпчилик инсонлар ўзи ўқимаган, оми, содда, таъбир жоиз бўлса, қишлоғидан нарига чиқмаган бўлса ҳам, кўпгина “ўқимишли, мактаб кўрганлар”-дан ҳар томонлама пеш бўладилар. Бундай одамларни орамизда кўплаб учратиш мумкин. Аммо ҳар доим ҳам уларнинг қадрига етавермаймиз. Гўёки улар шундай бўлишлари шартдек, ёки доимо бўладигандек туюлади. Ана шундай содда ва самимий, чин инсоний фазилатлар соҳиби, меҳнаткаш ҳамқишлоқ опамиз Зайнаб опа эдилар.

У кишининг вафот этганларини эшитиб, кўнглимда алланечук маҳзунлик пайдо бўлди. Опани болалигимдан яхши биламан, қишлоқчилик, боз устига қўшничилик, хуллас “чилик-чилик”лар кўп. Қишлоқда ҳамма бир-бирига қариндош-уруғ, куда-анда, шу боис ҳам ким қандай эканлигини барча яхши билади. Опани асосан одамларнинг яхши кунларида ҳам, синовли соатларида ҳам бел боғлаб, самимият билан хизмат қилиб юришлари кўз олдимда гавдаланади. Эсимда, кичик ўғлимнинг хатна тўйида ҳам енг шимариб, хизмат қилган, ўчоқ бошида катта дошқозонда шўрва пишириб, тарқатган-

ди. Ўзига хос овозга эга, дўриллаб, дадил гапиришлари баъзан кўполроқдай туюлса-да, аммо киши кўнглини ранжитмайдиган самимий эди. Бир ишни қилса, чин сидкидилдан, пухта қиларди. Дангал-дангал, чўрт кесиб гапирарди.

Опа ҳаётлик чоғларида икки нафар фарзанд доғини кўрди, шундай бўлса-да, бардошлилиги, Яратганинг қазосига розилиги таҳсинга лойик. Турмушнинг мушти, унинг яхши ва ёмони, пасти ва баланди, бори ва йўғида ҳам бирдай бўлди, сабр ва шукр бош шиори эди. Қолган фарзандларини уйли-жойли қилди, эл корига, ватан хизматига ярайдиган муносиб ўғил-қизлар, неварачеваралар этиб тарбия қилди.

Икки ойча аввал ишга қайтаётсам, дарвозалари олдидаги курсичада қўшнилари билан ўтирган экан. Мошинамни йўл четига тўхтатиб, бориб опа билан қўшқўллаб саломлашдим. Қўлимни маҳкам сиқиб силтаб-силтаб саломлашди-да, ёнларидан ўтиришга жой кўрсатди.

— Қарасам, ўтирган экансиз, сизни бир кўриб, саломлашиб ўтай деб тўхтадим опа, — дедим курсига ўтириб.

— Барака топинг, жуда хурсанд бўлдим, болаларингиз, неваралар, келинлар ҳаммалари яхшими?

— Шукр опа, ҳаммамиз яхшимиз.

Ўзингиз, бобойингиз, неваралар яхши юришиптими?

— Ҳа, яхшимиз, Худога шукр, — дейди опа ўзбек аёлига хос тортинчоклик ва ийманиш билан. Бироз суҳбат курдик ва мен опадан кетишга изн сўрадим.

— Уйга кирсангиз бўларди, чой ичиб кетинг, — дейди опа самимият билан.

— Майли опа маврида бўлганда келаман, ИншаАллоҳ, — дедимда ўрнимдан турдим.

— Ҳа, айтганча Отабегимни ишга жойлабсиз, барака топинг, сизни дуо қиламан.

— Дуоларингиз учун раҳмат, Отабек ўзи иқтидорли йигит экан, насиб этса, ишлари яхши бўлади. Яна Оғабек неварангиз билан ҳам режалар қилдик, насиб этса, уни ҳам ишга жойлаштирамиз. Қишлоғимиздан кўплаб яхши мутахассислар чиқса дейман-да опа, — дедим.

— Ҳай барака топинг, илоҳим, бирингизга минг берсин, мартабангиз бундан ҳам улуг бўлсин, Худодан қайтсин.

Биз хайр-хушлашиб, омон-омон тилашиб йўлга чиқдик. Опани охири марта кўришим эканлигини қайдан ҳам билай.

Отабек опани невараси, шаҳарда институтда ўқийди. Тасодифан учрашиб қолдим ва озроқ суҳбатлашдим, унга ўқишдан бўш вақтларини самарали ўтказиш юзасидан таклифларимни билдирдим. Бугун у бир молия муассасасида ишлаяпти, мени қувонтиргани шу муассаса раҳбари у ҳақида илиқ фикр билдиргани бўлди. Оғабек эса, тиббиёт университетига ўқир экан, у билан ҳам яхши марралар кўзланган “иш

режа” тузиб олгандик. Иккаласи ҳам тарбияли йигитлар. Айтишади-ку “Бўладиган бола, бошидан маълум” деб. Опа шуларни эслаб, миннатдорчилик билдирган эди.

Жанозада тумонат одам тўпланди. Юқорида айтганларим ва умуман опа билан боғлиқ илиқ хотираларимни эслаб, ҳақларига дуолар қилдим.

Эртаси куни опанинг турмуш ўртоқлари билан учрашиб, ҳамдардлик билдирганимда кўзларига ёш олиб: “...раҳматли жуда яхши аёл эди, Оллоҳим жойини жаннатлардан қилсин, мингдан-минг розиман” дедилар. Бўғзимга бир нима тикилди, маҳзунлигим икки ҳисса ошди ва беихтиёр Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Қай бир аёл вафот этса-ю, эри ундан рози бўлса, у жаннатга қиради”, деган (Имом Термизий ривоят қилган) ҳадисларини эсладим.

Шукрки, жамиятда Зайнаб опага ўхшаган самимий, чин инсоний фазилатлар эгалари бўлган кишилар кўп, бундай мушфиқ инсонларнинг эса дуоси мустажоб бўлади, дейишади. Отабек ва Оғабеклар шундай одамларнинг тарбияларидан шаклланади. Уламоларимиз айтишади: “Одобсиз илм ўтинсиз олов кабидир. Илмсиз одоб эса, жасадсиз руҳ кабидир”. Дарҳақиқат, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом, комил инсон қилиб тарбиялаш, уларни ота-боболарига, тарихимиз ва Ватанимизга, она тилимиз ва миллий қадриятларимизга содик қилиб тарбиялашда бундай инсонларнинг ўрни бекиёсдир.

Қаюм СОБИРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси